O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**Q A R O R I**

**Р Е Ш Е Н И Е**
**ХОКИМА**
**Самаркандского района**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

2016 у.г. «30» май № 1974-К **Samarqand t.-р.Самарканд**

**Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конигил агротехсервис” агрофирмаси худудидан “XURSHED” фермер хўжалигига қуруқ меваларни қадоқлаш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларини ижросини таъминлаш максадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институтининг 2016 йил 08 январдаги № 01-16/9-736 сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 16 февралдаги № 180 сонли хулосаси ва “XURSHED” фермер хўжалигининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конигил агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 519 контуридан “XURSHED” фермер хўжалигига қуруқ меваларни қадоқлаш цехи қуриш учун жами 0,12 га (шундан: 0,12 га ўзига тегишли ижтимоий бино ва ховли ерлар хисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. “XURSHED” фермер хўжалигига қуруқ меваларни қадоқлаш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2017 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.
5. “XURSHED” фермер хўжалиги томонидан ”Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б. Кадиров**